**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Мингбулоқ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари**
**_________ Д.Абдуллаев**
**"_10_" _дек_ _____ 2022 й**

**БУЮРТМАЧИ:**

# Мингбулоқ туман ҳокимлиги

Мингбулоқ тумани ҳокимлиги қўшимча биноси ва иссиқлик тизимини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш учун

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

**Мингбулоқ -2022**



## Танлов хужжатларининг мазмуни:

## I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг "Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилди.

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Мингбулоқ туман ҳокимлиги қўшимча биноси ва исиқлик тизимини мукаммал таъмирлаш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – **238 000.0 (икки юз ўттиз саккиз)** миллион сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 иш кунида.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. **Мингбулоқ туман ҳокимлиги** (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Почта манзили 160200, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Бўстон кўчаси, 30 уй

Эл.адрес:**namangan@hokimiyat.uz**

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Мингбулоқ туман ҳокимлиги биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.



**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Мингбулоқ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари**

**Д.Абдуллаев**

«11» март 2022 й

**Мингбулоқ тумани ҳокимлиги қўшимча биноси ва иссиқлик тизимини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш учун**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Мингбулоқ тумани хокимлиги қўшимча биноси ва иссиқлик тизимини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш учун |
| 2 | Буюртмачи | Мингбулоқ тумани ҳокимлиги |
| 3 | Буюртма учун асос | Ишлаб чиқариш зарурияти. |
| 4 | Объектнинг жойлашган манзили | Наманган вилоят Мингбулоқ тумани |
| 5 | Катнашувчи учун талаблар | Мингбулоқ тумани хокимлиги қўшимча биноси ва иссиқлик тизимини мукаммал таъмирлаш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлиши. Буюртма берилганда тез муддатда таъмирлаш ишларини бажариш. |
| 6 | Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби | Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, гарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси хамда хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган холда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб хисобланади. Шартномага асосан 10 иш кунида тахминан 238 000 (Икки юз ўттиз саккиз) миллион сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган. |
| 7 | Иш тури | Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш. |
| 8 | Хизматларни бажариш муддати | 2022 йил март ойидан 2022 йил 31 мартгача |
| 9 | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар | Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт. |
| 10 | Молиялаштириш манбаи | "Бюджет" |

Мингбулок туман ҳокимининг ўринбосари : Х.Бойларов

Бош мутахасиси: Р.Позилов

Етакчи мутахасис: Д.Эргашов